



Савол:

Ҳар қандай яхши ишни ёки яхши амални «Аллоҳни розилиги учун» деб нийят қилиб ва у ишни қилса савоб бўладими? (масалан. Бозор-учар қилишлик ёки оддий кунлик ишига боришлик ва ҳоказо...)

Жавоб:

Бу ишларда савоб бўлиши шубҳасиз, Ҳалол ризк топиш фарз амал, Пайғамбаримиз Энг яхши садақа аёлингга едирган таоминг деганлар. Яна бир ҳадисда аввал ўзингга садақа қил, кейин ахлингга ошиб қолса қариндошларга ... ва ҳоказо, яна бир ҳадисда бундай дейилган: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким ота-онаси учун саъй-ҳаракат қилса, у Аллоҳ йўлида. Ким бола-чақаси учун саъй-ҳаракат қилса, у ҳам Аллоҳ йўлида. Ким ўз нафси учун уни пок сақлаш мақсадида саъй-ҳаракат қилса, у ҳам Аллоҳ йўлида. Ким мол-дунё кўпайтириш учун саъй-ҳаракат қилса, у шайтон йўлида». Бир ривоятда: «тоғут йўлида». (Баззор, Табароний, Байҳақий ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 3248). буларнинг ҳаммаси савобли ишлар.